

ТАСДИКЛАЙМАН  
Бухоро архитектура ва  
курулиш техникуми рахбари

“” Бобоџонов Х.К.

2022 йил

2022 йил «»-сонли

баённомасига

**ИЛОВА**

(мазкур баённома ҳар бир буюртмачи  
танлов ҳайъати томонидан кўриб  
чиқилиб тасдиқланади)

## ТАНЛОВЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШДА ТАНЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ ИШ ТАРТИБИ (РЕГЛАМЕНТИ)

### 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Танлов ҳайъатининг иш тартиби Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг 7-боб, 56-63-моддалари талаблари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, танлов комиссиясининг танловни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида олиб борадиган иш тартиби, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

1.2. Мазкур иш тартиби (кейинчалик регламент) тавсия хусусиятига эга, танловларнинг предметдан қатъий назар, танлов ҳайъати томонидан ўзгартиришлар киритилиши ва белгиланган тартибда буюртмачи томонидан тасдиқланиши мумкин.

1.3. Танлов ҳайъати, танловларнинг бевосита иштирокчиси бўлган ҳолда (танловларни ўтказиш жараёнида доимий орган), буюртмачининг буйруғи ёки бошқа фармойиш берувчи ҳужжати билан тузилади ва танловларнинг тартиботига доир масалаларни кўриб чиқишга, муҳокама этиб тасдиқлашга ҳуқуқлидир.

### 2. ТАНЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ ИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

2.1. Танлов ҳайъатининг дастлабки йиғилиши, танлов ҳужжатининг расмийлаштириш жараёнида комиссия:

1. Ўз иш регламентини белгилайди ва уни тасдиқлаш учун ҳайъат раисига тақдим этади;

2. Кўриб чиқади ва тасдиқлайди:

- таклифларни кўриб чиқиш мезонларини;  
- таклифларни очиш куни, вақти ва жойини белгилайди (махсус ахборот порталида ёки <http://dxarid.uzex.uz> сайтида эълон қилинган кундан бошлаб ахборот порталида белгиланган муддат тугагандан сўнг 3 (уч) иш кунида буюртмачи манзилида;

- айрим сабабларга кўра танлов ўтказилмай қолган тақдирда, такроран танловни ўтказиш ҳақидаги эълон махсус ахборот порталида ёки лицей веб-сайтида эълон қилинган кундан бошлаб 5 (беш) иш кунидан олдин бўлмайди.



2.2. Ишларни хизматларни амалга оширишда қийматларидан, муддатларидан ва ишларнинг хусусиятидан қатъий назар, ҳар бир объект бўйича таклифлар алоҳида кўриб чиқилади.

2.3. Танлов ҳайъати қайсидир битта танлов иштирокчисига устунлик берадиган танлов таклифлари белгилашга ҳуқуқи йўқ.

2.4. Танлов ҳайъати йиғилишларда, қоидага кўра, таклифлар солинган конвертларни очади, малакавий баҳо беради ёки бошқа қарорлар қабул қилади.

2.5. Йиғилишларда танлов (тендер) ҳайъат раиси томонидан тасдиқланадиган ва иштирок этган барча танлов (тендер) ҳайъат аъзолари имзо чекадиган баённомалар юритилади.

2.6. Танлов ҳайъати котибининг вазифаларига танлов ҳайъатининг ишчи ҳужжатларини расмийлаштириш ҳамда ҳар бир бўлиб ўтган йиғилишларни баённомалаштириш киради, бунда ҳайъат котиби мустақил овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

2.7. Қоидага кўра, танлов (тендер) ҳайъатининг котиби этиб, танлов савдоси буюрмачисининг вакили тайинланади.

### **3. ТАКЛИФЛАРНИ ОЧИШ ВА КЎРИБ ЧИҚИШ**

3.1. Таклифларнинг очилиши танлов ҳайъатининг йиғилишларида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирокида куйидаги тартибда амалга оширилади:

- барча талабгорларнинг конвертлари кўздан кечирилади, уларнинг ташқи кўриниши ҳайъат аъзолари томонидан тасдиқланган танлов ҳужжатларининг талабларига мос келиши керак;

- таклифларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги текширилганда, кўриниши танлов (тендер) ҳайъат аъзолари томонидан тасдиқланган танлов ҳужжатларининг шартларига мос келиши керак.

3.2. Очилган конвертлар таркибида талаблар нотўғри расмийлаштирилганлиги аниқланса, талабгорнинг таклифи танлов (тендер) ҳайъат аъзолари томонидан овозга қўйилиб, таклифи кўриб чиқилмайди. Талабларнинг бирортаси тақдим этилмаган тақдирда, ҳайъат аъзолари томонидан ўрганиб чиқилиб муҳокама қилинади ҳамда овоз бериш йўли орқали қабул қилиш ёки қабул қилмаслик аниқланади.

3.3. Таклифларни ўрганиш талабгорлар ёки уларнинг ваколатли вакилларининг иштирокисиз, тасдиқланган талаблар, мезонлар асосида ўрганиб чиқилади, бунда танлов ҳайъати раисига ва аъзоларига таклифларнинг асл нусхалари топширилади.

3.4. Берилган таклифларда нарҳ-наволар ва муддатлар бир хиллиги аниқланган тақдирда кўпчилик овози билан ҳал қилинади, агар овозлар тенг бўлган тақдирда, танлов (тендер) ҳайъат раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

3.5. Талабгорлар танловда иштирок этиш юзасидан ўз фикрини ўзгартириб, иштирок этишни истамаган ҳолларда берилган таклифи очилмасдан қайтариб берилади.

3.6. Агар таклифнинг ташқи кўринишига зарар етган бўлса ва бундан талабгорнинг хабари бўлмаса, унда талабгор танлов ҳайъат аъзосининг йиғилишида таклиф очилиши вақтида бу ҳақида таъкидлаб ўтишга ҳақлидир. Бундай ҳолларда танлов ҳайъат танловларини тўхтатиши ва текшириб кўриши учун талабгорнинг таклифини қайтариб бериши керак.

3.7. Агар таклифлар бериш муддати тугаган пайтда харид комиссияси томонидан танлов иштирокчиларидан танлов ҳужжатларида кўрсатилган



талабларга мос келадиган камида иккита таклиф олинган бўлса, танлов ўтказилган деб топилади.

#### **4. ТАНЛОВЛАР ҒОЛИБИНИ АНИҚЛАШ**

4.1. Талабгорлар орасида ишлар хизматлар (лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, капитал ва жорий таъмирлаш ишлари) ишлаб чиқиш учун энг мақбул таклиф ғолиб деб ҳисобланади.

4.2. Танлов ҳайъатининг овозга қўйиш натижалари ҳақидаги маълумотлар махфий ҳисобланади ва ошкор этишга йўл қўйилмайди.

4.3. Танлов ғолиблари ҳайъат томонидан иштирок этиш истагини билдирган танлов қатнашчиларининг иштирокида эълон қилинади.

4.4. танлов ҳайъат томонидан келиб тушган таклифларга нисбатан қабул қилган қарори якуний ҳисобланади ва шартнома имзоланади.

#### **5. ТАНЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ ХУҚУҚЛАРИ**

5.1. Танлов ҳайъати талабгордан давлат Бююртмачилигида қандай объектларда (лойихалаш, капитал ва жорий таъмирлаш ишларини) амалга оширганлиги ҳақида тасдиқловчи далилларни ҳужжат шаклида талаб қилишга ҳамда қонун ҳужжатларига асосан бошқа ҳуқуқларга эга.

5.2. Танлов ҳайъати ўзининг қарори билан қуйидаги ҳолатлар бўйича:

- тақдим этилган ҳужжатлар танлов ҳужжатларининг талабларига мос келмаганда, нотўғри маълумот ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига зид бўлган ҳоллар аниқланганда;

- агар танлов предмети ҳисобланадиган ишлар ёки хизматларни бажариш билан боғлиқ бўлган фаолият Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензияланиши керак бўлсада, талабгорнинг лицензияси бўлмаса;

- агар талабгорлар қайта ташкил этиш (бўлиниш, бирлашиш) тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган, мулки хатлаб қўйилган ҳолларда;

- муассислик ҳужжатлари, молиявий қатнашиш, холдинг шаклида ва бошқа шаклларда ифодаланган бир-бири билан бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқ бўлган ҳоллар мавжуд бўлганда;

- талабгорни четлатишга ва таклифларни кейинчалик ўрганмасдан танловдан четлаштиришга ҳақлидир.

5.3. Танлов ҳайъат танловларни ўтказиш жараёнида танлов иштирокчилари томонидан келиб чиққан фикр-мулоҳаза ва талабларни 15 кунлик муддатдан ошиб кетмаган ҳолда кўриб чиқиб, қарор чиқариши ва жавоб йўллаш ҳуқуқига эгадир. Танлов тартиботларидан келиб чиққан келишмовчиликлар ва низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

5.4. Танлов ҳайъати талабгор томонидан тақдим этилган ҳужжатининг таркиби бўйича изоҳлар билан тушунтиришлар киритишига йўл қўйишга ҳақлидир. Бунда таклифнинг мазмунини, шу жумладан нархи ёки бажариш муддатини ўзгартирувчи тушунтиришлар берилишига йўл қўйилмайди.

5.5. Танлов ҳайъати қуйидаги ҳолларда:



- танлов ҳайъати томонидан белгиланган муддат якунига 2 тадан кам таклиф келиб тушса;

- барча таклифлар танлов ҳужжатлари шартларига мувофиқ бўлмаса;

- талабгорлар томонидан таклиф этилган нархлар эълон қилинган бошланғич нархга нисбатан юқори бўлганда;

- танлов ҳайъати томонидан асосланган бошқа ҳолатлар пайдо бўлса, ўтказилмаган деб ҳисоблашга ҳақлидир.

5.6. Танловнинг ўтказилмаган деб эълон қилиниши танлов ҳайъатининг мулкӣ ёки бошқа тусдаги жавобгарлигига олиб келмайди.

5.7. Танлов ҳайъати танлов тартиботлари бўйича ҳар қандай қарорга келиши мумкин, қачонки ушбу қарорлар тегишли қарорлар негизда бўлса.

## **6. ТАНЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Танлов ҳайъати:

- танлов тартиботининг босқичларида кворумсиз (танлов ҳайъати аъзоларининг сони етарли бўлмаганида), камчилик овоз билан ва ёки танлов ҳужжатларининг талабларини ҳисобга олмасдан туриб танлов ҳайъати томонидан қарор қабул қилинишига;

- талабгордан унинг малака маълумотларига мувофиқлигини тасдиқловчи далилларни ҳужжатли шаклда тақдим этишнинг асоссиз талаб қилиниши;

- таклиф мазмунини ўзгартирадиган тушунтиришлар ва тузатишларга йўл қўйилганлиги, шу жумладан нархлар ёки бажариш муддати ўзгартирилганлиги;

- танлов ғолибининг танлов ҳайъатининг очиқ мажлисида аниқланганлиги, танлов ғолибини эълон қилиш тартиботи бузилганлиги;

- танлов тартиботининг бошқача бузилишлари учун жавоб беради.

## **7. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

Мазкур иш тартиби танлов ҳужжатининг ажралмас қисмидир ва танлов ҳайъати томонидан кўриб чиқилгандан ва танлов ҳайъати раиси томонидан тасдиқланган вақтдан бошлаб кучга киради.